



## ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Хакимов Азимжон Эгамбердиевич

Судьялар олий мактаби тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8058240>

### ARTICLE INFO

Received: 12<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 18<sup>th</sup> June 2023

Online: 19<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

Жиноятда иштирокчилик,  
дахлдорлик, уюшган гуруҳ,  
жинойт уюшма,  
ташкilotчи, далолатчи,  
ёрдамчи, бажарувчи.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилиш ва аҳамияти, жиноятга дахлдорлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

### Кириш

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилиш учун энг аввало унинг мазмунини ёритиш лозим. Қилмишни иштирокчиликда содир этилган деб ҳуқуқий баҳолаш эса унинг белгиларини таҳлил қилишдан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасида “икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади” деб ёзилган. Иштирокчиликка қонунда берилган ушбу таърифидан кўриниб турибдики, иштирокчилик икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг оддий биргалашиб жиноят содир қилишининг ўзидангина иборат бўлмасдан, иштирокчилар ўртасидаги узвий боғлиқлик бўлиб, жиноят объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни икки ёки ундан ортиқ шахслар ҳаракатларининг бирлашиши билан ифодаланади. Шунга кўра, жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчилар ўртасидаги боғлиқликни объектив ва субъектив боғлиқликдан иборат бўлган белгиларга бўладилар.

Иштирокчиликнинг объектив белгилари. Иштирокчиликда содир этилган жиноят таркибларининг объектив томони деганда, жиноят иштирокчиларининг умумий жиноий натижага эришиши учун йўналтирилган ҳаракатларининг ташқи томонини ифодаловчи белгилар тушунилади.

Иштирокчиликнинг объектив белгиларига:

- 1) *икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноятда қатнашганлиги;*
- 2) *ҳамкорликда ҳаракат қилиши (ягона жиноятни содир этиш учун биргаликда ўз ҳиссасини қўшиши) киради;*
- 3) *ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари билан бажарувчи содир этган жиноят ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.*



1. *Икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноятда қатнашганлиги.* Икки ва ундан ортиқ шахснинг ягона жиноятни содир этишда қатнашганлиги ёки жиноий фаолият билан шуғулланганлиги белгиси иштирокчиликнинг сон кўрсаткичи ҳисобланади.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда ўз номидан кўриниб турибдики, камида иккинчи шерикнинг бўлиши талаб этилади. Бу қонун чиқарувчи томонидан қўйилган мажбурий шарт эканлиги М.Х.Рустамбаев томонидан ҳам лоҳида қайд этилган<sup>1</sup>. Иккинчи иштирокчи бўлмаганида иштирокчилик ҳам мавжуд бўлмайди.

Содир этилган жиноятда камида икки шахс қатнашган тақдирда иштирокчилик каби квалификация қилинади. Демак, сон кўрсаткичининг энг кам миқдори икки кишини ташкил этади.

Иштирокчилик деб ҳуқуқий баҳолаш учун жиноят содир этишда қатнашган икки ёки ундан ортиқ шахслар жиноятга субъект бўлишлари керак. Чунки жиноят содир этган икки шахсдан фақат биттаси жиноят субъекти бўлса ва иккинчиси жиноий жавобгарликка тортилмаса (ақли норасо, жавобгарлик ёшига этмаган), юридик нуқтаи назардан жиноят содир этган шахс бир киши ҳисобланади ҳамда шу туфайли жиноят битта шахс томонидан содир этилган ҳисобланади ва иштирокчилик каби баҳоланмайди (Номусга тегиш жинояти бундан мустасно).

Қонунга мувофиқ иштирокчиликда жиноят содир этаётган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барчаси жиноят субъекти белгиларига эга, яъни ақли расо, жавобгарлик ёшига этган ва жисмоний шахс бўлишлари лозим. Агар жиноятда иштирок этаётган шахслар сони уч ва ундан ортиқ бўлиб, улардан камида иккитаси жиноят субъекти белгиларига эга бўлса, қилмиш иштирокчиликда содир этилган деб баҳоланади. Агар жиноят содир этишда қатнашаётган икки шахсда жиноят субъекти белгилари мавжуд бўлмаса, жиноят таркиби ҳам мавжуд бўлмайди.

Агар жиноят содир этишда икки шахс қатнашиб, улардан бири субъект белгиларига эга бўлмаса (ақли норасо ёки жавобгарлик ёшига этмаган), иштирокчилик мавжуд бўлмайди. Жиноят субъекти белгиларига эга бўлган шахс яқка ўзи жиноят содир этган ҳисобланади ва суд бу шахсга жазо тайинлаш вақтида унинг ақли норасо ёки жавобгарлик ёшига этмаган шахснинг ёрдамидан фойдаланиб жиноят содир этганлигини инобатга олади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўн тўрт ёшгача бўлган шахслар теваарак-атрофдаги ҳодисаларнинг мазмунини тўлиқ англаб етмайди. Шунинг учун уларнинг руҳий ва ақлий ривожланиш ҳолатлари ҳам етарли даражада шакланмаган бўлади<sup>2</sup>. Ўз-ўзидан аёнки, ақли норасо шахс эса ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамайди ёки ҳаракатларини бошқара олмайди. Шу боис, айбдорлар ўзларининг жиноий мақсадларига эришишлари учун бундай тоифадаги шахсларни жиноят содир этишга осонлик билан жалб қилишга эришадилар.

Жиноят ҳуқуқида айбдор шахс ақли норасо, жавобгарлик ёшига этмаганлар, ҳайвонлар, техника ёрдамида жиноят содир этганда восита орқали жиноят содир этиш деб юритилади.

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т.1. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Ташкент: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – Б. 348.

<sup>2</sup> Искандаров Ш.Т., Шойимова Ш.С., Мирзаева Н.А. Психология: Дарслик. – Тошкент. 2009. – 158-бет.



Восита орқали жиноят содир этишда, жиноятга субъект бўладиган шахснинг жиноятга оз ёки кўп ҳисса қўшганлиги уни бевосита жиноятни якка ўзи содир этган деб ҳисоблашга таъсир этмайди.

Демак, жиноятда икки шахс қатнашаётган бўлса, иштирокчилик мавжуд бўлиши учун уларнинг иккаласи ҳам жиноий жавобгарликка тортиладиган, яъни жиноят субъекти бўлиши шарт.

Айрим ҳолларда жиноятда қатнашаётган икки шахснинг бир хил ҳаракатлари Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддалари ёки битта модданинг турли қисмлари билан квалификация қилиниши мумкин. Бу ҳол иштирокчилик мавжудлигини инкор қилмайди, жиноят иштирокчиликда содир қилинган деб ҳуқуқий баҳоланади.

Жиноятларни квалификация қилиш қоидасига мувофиқ жиноят содир этишда қатнашаётган икки шахсдан бирида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлса, бу ҳолат фақат шу иштирокчига таъсир этади. “Иштирокчиликда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказилганда, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси, фақат ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади”<sup>3</sup>.

## **2. Ҳамкорликдаги қилмиш (ягона жиноятни содир этиш учун биргаликда ҳисса қўшиш).**

Ҳамкорлик бир жиноятни содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иштирок этаётганидан далолат беради. Жиноят иштирокчиларининг жиноят содир этишда биргалашиб ҳаракат қилиши объектив белгисини ташкил этади. Жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишнинг моҳияти шундаки, айбдорларнинг ҳаракати бир-бирига алоқадор бўлади ҳамда барча иштирокчилар учун ягона бўлган жиноий оқибатга олиб келади<sup>4</sup>.

Ҳамкорликдаги ҳаракат:

- 1) жиноят бир нечта шахсларнинг умумий кучлари орқали содир этилиши;
- 2) жиноий оқибат ушбу шахслар учун умумий, ягона бўлиши;
- 3) ҳар бир иштирокчининг ҳаракати, умумий жиноятни содир этишда бошқа иштирокчиларнинг қилмиши учун зарур ва шарт ҳисобланиши;
- 4) жиноий оқибат ёки содир этилган жиноий қилмиш (формал таркибли жиноятларда) ҳар бир иштирокчининг қилмиши билан сабабий боғлиқликда бўлиши каби белгилардан ташкил топади. Аммо, жиноятда иштирокчиликдаги ҳаракатлар доимо ихтиёрий бўлади, яъни ҳар бир иштирокчи ўзига юклатилган вазифани бажариш ёки бажармаслик ихтиёрига эга бўлиши керак. Бироқ, мажбурлаш тарзида қилинган зўрлик натижасида шахс мавжуд шароитда муайян ҳаракат қилиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлмаган бўлса, жавобгарликдан озод этилмаслик масаласини кўриб чиқиш керак. Чунки, шахс бундай вазиятларда ўз иродасига боғлиқ ҳолда ҳаракатланиш эркинлигидан бутунлай маҳрум бўлмайди.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2007 йил 27 июндаги 6-сонли қарори. – Т., 2007. – 7-б.

<sup>4</sup>Отажонов А. А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент-2016. 49-бет.



Одатда, иштирокчилар фаол ҳаракат қилишади. Аммо, шахс ундан талаб этиладиган ҳаракатларни содир этмаслик йўли билан, яъни ҳаракатсизлик билан жиноятнинг иштирокчисига айланиши мумкин. Бошқача айтганда, олдиндан тил бириктирган ҳолда шахс ўзи қўриқлаши лозим булган жойни очиқ қолдиради ва ҳаракатсизлик йўли билан жиноят содир этилишига қўмаклашади<sup>5</sup>.

Жиноятда қатнашаётган шахслардан бири кўпроқ (жиноятнинг объектив томонини содир этиш, фаол ҳаракатлари билан жиноий оқибат келиб чиқишига шароит яратиши ва бошқалар), иккинчиси камроқ (хуқуқий маслаҳат бериш, жиноят ҳақида хабар бермасликка ваъда бериш орқали ҳаракатсизлик қилиш ва бошқалар) ҳиссасини кўшиши мумкин. Бу ҳолатлар иштирокчиликда жиноят содир этилган деб квалификация қилишга таъсир этмайди, аммо суд жазо тайинлаш вақтида ҳар бир иштирокчининг жиноятга қўшган ҳиссасини (жиноий оқибат келиб чиқишига фаоллик даражасини) инobatга олиб жазо муддатларини турлича белгилайди.

Ҳамкорлик, бир жиноятни содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иштирок этаётганидан далолат беради. Иштирокчиларнинг жиноят содир этишда биргалашиб ҳаракат қилиши объектив белгининг асосий қисмини ташкил этади. Жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишнинг моҳияти шундаки, айбдорларнинг ҳаракати бир-бирига алоқадор бўлади ҳамда барча иштирокчилар учун ягона бўлган жиноий оқибатга олиб келади.

Шунингдек, ҳамкорликда қатнашишда иштирокчиларнинг умумий, биргаликдаги ҳаракатлари орқали жиноят содир қилинади, жиноий фаолият эса амалга оширилади. Ушбу ҳаракатда кимдир камроқ (иккинчи даражали ҳаракатларни содир этиши) кимдир кўпроқ (асосий жиноий ҳаракатларни содир этиши) ҳиссасини кўшиши мумкин.

Ҳамкорликда жиноят содир этишни бир вақтда мустақил жиноятларни содир этаётган икки шахснинг жиноятларидан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда улар жиноят содир этаётганликларидан ўзаро хабардор бўладилар ва объектив томондан ўхшаш ҳаракатларни бир вақтда, бир жойда, ҳамкорлик қилмасдан содир этишлари мумкин. Ҳамкорлик йўқлиги сабабли бундай ҳолларда иштирокчилик мавжуд бўлмайди.

Юқоридаги ҳамкорлик мавжуд бўлмаган жиноятларда, бир неча шахс қатнашганлигига қарамай уларда объектив томон бир-бирига боғлиқ бўлмаганлиги (ҳамкорликнинг йўқлиги) сабабли иштирокчилик каби квалификация қилинмайди, ҳар бир шахс мустақил жиноят содир этган ҳисобланади.

*3. Ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари билан бажарувчи содир этган жиноят ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.*

Ҳамкорликдаги ҳаракат жиноят содир этишда иштирокчилар ҳаракатларининг ўзаро боғлиқлигини англатади. Бунда бошқа иштирокчининг ҳаракати бажарувчининг жиноят содир этишини осонлаштиришга, унга зарур ёрдам бериш ёки жиноят изларини яширишга қаратилган бўлиши мумкин.

<sup>5</sup> Аветисян С.С. Соучастие в преступлениях со специальным составом: теория и практика правового регулирования: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 2005. – С. 15.



А.С.Якубов шундай таъкидлайди, “жиноятда биргаликда иштирок этиш қўйидагиларни билдиради: ҳар бир иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчилар қилмишини амалга ошириш учун зарурий шarti ҳисобланиб, улар бир-бирини тўлдирадilar; барча иштирокчиларнинг қилмишлари бажарувчи содир этаётган жиноят билан сабабий боғланишга эга бўлиши керак; юзага келган жиноий оқибат барча иштирокчилар учун умумий ва ягона ҳисобланади”<sup>6</sup>.

Икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан жиноят содир қилинаётган вақтда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати гуруҳнинг барча аъзолари ёки бир неча аъзолари ёки битта аъзоси ҳаракати билан узвий (тўғридан-тўғри) боғлиқ бўлади. Иштирокчилик каби баҳолаш учун шахс камида гуруҳнинг битта аъзоси билан алоқада бўлиб ҳаракатни содир этиши лозим. Иштирокчиларнинг ҳаракати ўзаро боғлиқлигининг хусусияти шундаки, битта иштирокчининг ҳаракати бажарувчининг ҳаракати учун зарур ва шароит яратиб берувчи бўлиши мумкин. Энг кам ҳисса қўшган иштирокчи – бу жиноят ҳақида хабар бермасликка ваъда берган ёрдамчи ҳисобланиб, унинг бу ваъдаси бажарувчининг дадил, қўрқмасдан ҳаракат қилиши учун руҳий кайфият бахш этади.

Муайян предметлар ёки ҳодисаларни ўзгартирадиган, ўзгаришни келтириб чиқарадиган (жиноятда – жиноий оқибатни келтириб чиқардиган) ҳолат – сабаб деб юритилади. Иштирокчиликда бажарувчининг (бажарувчиларнинг) ҳаракати жиноий оқибатга сабаб бўлади, бошқа иштирокчиларнинг ҳаракати эса жиноятга шароит яратувчи ёки осонлаштирувчи бўлиши мумкин. Шароит сабаб билан биргаликда жиноий оқибатга қилмишнинг сабаб бўлишини тезлаштиради ёки бунинг акси бўлиши мумкин, аммо шароитнинг якка ўзи сабабга ўхшаб оқибатни келтириб чиқармайди.

А.С.Якубов шундай таъкидлайди, “жиноятда биргаликда иштирок этиш қўйидагиларни билдиради: ҳар бир иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчилар қилмишини амалга ошириш учун зарурий шarti ҳисобланиб, улар бир-бирини тўлдирадilar; барча иштирокчиларнинг қилмишлари бажарувчи содир этаётган жиноят билан сабабий боғланишга эга бўлиши керак; юзага келган жиноий оқибат барча иштирокчилар учун умумий ва ягона ҳисобланади”<sup>7</sup>.

Шундай қилиб, ҳар бир иштирокчининг ҳамкорликдаги ҳаракати жиноий оқибатга сабаб ёки шароит яратиб берувчи бўлиши лозим. Акс ҳолда иштирокчилик мавжуд бўлмайди. Масалан, шахс қасддан одам ўлдиришга режа тузаётган вақтда тайёргарлик кўриляётган жиноятни аниқ билгани ҳолда жиноят содир этмайман деб гуруҳдан чиқиб кетади ва ҳокимият идораларига хабар бермайди. Бу эрда иштирокчилик мавжуд эмас, чунки у ҳали оқибат келтириб чиқарадиган шароит ёки сабабга аралашмай туриб жиноят содир этишга қўшилмади. Унинг ҳаракати хабар бермаслик каби баҳоланиши мумкин.

*Жиноий оқибат.* Жиноий (зарарли) оқибат деганда жиноят содир этиш натижасида вужудга келган салбий ўзгариш тушунилади. Содир этилган ҳар бир жиноят давлат, жамият ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарарли оқибат ёки шу зарарни етказиш хавфини келтириб чиқариши билан хавфлидир.

<sup>6</sup> Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 232.

<sup>7</sup> Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 232.



Иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати натижасида уларнинг барчасига умумий бўлган жиноий оқибат келиб чиқади.

Иштирокчилар умумий бўлган жиноий оқибатни келтириб чиқаришга ўз ҳиссасини (кам ёки кўплигидан қатъи назар) қўшишининг ўзиёқ уни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бирга бажарувчиликда (барча иштирокчилар жиноятнинг объектив томонини бажаришида) жиноий оқибатни келиб чиқишига иштирокчилар бевосита алоқадор бўладилар. Бирга бажарувчилик ҳолатида ҳам жиноятнинг объектив томонини содир этишда қатнашган барча шахсларнинг оқибат келиб чиқишига қўшган ҳиссаси турлича бўлиши мумкин, яъни биттаси жиноятни объектив томонидаги асосий ҳаракатларни бажарган бўлса, иккинчиси кам аҳамиятли ҳаракатни бажарган бўлиши мумкин. Масалан, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётган икки шахсдан бири жабрланувчини тепиб йиқитган, иккинчиси эса унга ўлим келтириб чиқарган ҳаракатни – пичоқ санчишни амалга оширган бўлиши мумкин.

Иштирокчилик турлари (ташкilotчи, ёрдамчи ва далолатчи) мавжуд ҳолатда эса, улар жиноятнинг объектив томонини бажаришда бевосита қатнашмаган бўлсалар, гуруҳ учун умумий бўлган жиноий оқибатни келиб чиқишига билвосита, яъни бажарувчининг ҳаракати орқали, унга шароит яратиб бериши (жисмоний ёки маънавий ёрдами) билан ўз ҳиссасини қўшган ҳисобланади. Бу ҳолатда битта бажарувчи жиноий оқибат келтириб чиқарадиган ҳаракатларни содир этади, қолган иштирокчилар эса жиноят содир этилишига режа тузиб, йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қилиш, далолат қилиш, ёрдам бериш билан чегараланиб қолиши мумкин, яъни жиноий оқибат вужудга келишига тўғридан-тўғри таъсир ўтказмасдан билвосита алоқада бўлиши мумкин.

Қасддан содир этиладиган формал (расмий) таркибли жиноятларда жиноий оқибат келиб чиқиши шарт эмас. Бу каби жиноятларда иштирокчилик мавжуд бўлса, қонун билан ижтимоий хавфли ҳисобланган қилмишнинг биргаликда содир қилиниши, зарарли оқибат келиб чиқмаган ҳолатда ҳам жиноятни тамом бўлган деб ҳисоблашга асос бўлади. Формал таркибли жиноятларда ҳар бир иштирокчи қонун билан тақиқланган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этганлиги учун жавобгар бўлади. Масалан, 176-модда "Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш" жиноятини содир этган шахслардан бири сиёҳ ва бошқа бўёқларни иккинчиси дастгоҳни, учинчиси пул ясашга мўлжалланган қоғозни топиб қалбаки пул ясаган бўлиши мумкин.

Зарарли оқибат келиб чиқиши шарт бўлмаган жиноятларда ҳар бир иштирокчи қонун билан тақиқланган ҳаракатни содир этишга қўшган ҳиссасига қараб унинг хавфлилик даражаси аниқланади.

## References:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т.: "Ўзбекистон", 2016. 59-б.



2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 40 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2016 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).– Тошкент: Адолат, 2016. – 396 б.
4. “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармон. 2016 йил 21 октябрь.
5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармон. 2017 йил 7 февраль.
6. “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4966-сонли Фармон. 2017 йил 21 февраль.
7. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 374 б.
8. Ҳ.Р.Очилов, Э.О.Тургунбоев “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув-услубий қўлланма // масъул муҳаррир: ю.ф.д. Ф.Тоҳиров. – Т.: нашриёти, 2013. 150 бет.
9. Жиноятларни квалификация қилиш. / Р.Кабулов, А.Отажонов, И.Соттиев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 229-230.
10. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 373.
11. Ковалев М.И. Соучастие в преступлении. – Екатеринбург, 1999. – С. 296.
12. Соболев В.В. Основание и дифференциация ответственности соучастников преступления. Диссертация. – Краснодар, 2000. ст 138.
13. Новоселов Г.П. Понятие соучастия и признак совместности участия// Российский юридический журнал. – Екатеринбург, 2012. – №6 (87). С. 105.
14. Качалов В.В. Организатор преступления в уголовном праве России: Диссертация. М., 2004. С 132.
15. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2010. – Б. 265.
16. Медведев А.М. Пределы действия Уголовного кодекса Российской Федерации. – М., 1998. – С.49.
17. Мусаев М. Жиноий уюшма ташкил этишга қарши кураш муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 64.
18. Муслимов А.И. Когда преступления совершают два и более лица. – Баку, 2004. – С. 5-6.
19. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва айрим ривожланган хориж давлатлари жиноят ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари: Ўқув қўлланма. / Б.Ж.Ахраров, Ш.Абдуқодиров, Э.Турғунбоев, Ҳ.Очилов. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Қ. Абдурасулова. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 192 б.
20. Рустамбаев М.Ҳ., Абдурасулова Қ.Р., Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 13.



21. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т.1. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Ташкент: ILM ZIYO, 2010. – 400 б.
22. Смирнов В.Г. "Функции Советского уголовного права" // "УЛГУ", М.:1965, С.88.
23. Трайнин А.И. "Учения о соучастии" // М.:1941, С.113.
24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами: 1991-2006. / Н.З.Тошматовнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. –Б.199.
25. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2006.
26. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – 660 б.
27. Учение о соучастии по советскому уголовному праву. – Киев, 1969. – С. 134.
28. Кувватов С. Жиноятда иштирокчилик: унинг турлари ва илмий-назарий хусусиятлари. // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2009. 1-сон.
29. Муҳамеджанов С. Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар учун тайинланадиган жазони индивидуаллаштириш. // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №3. – Б. 124.
30. Найимов С.С. Нормалар рақобати тушунчаси. // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2004, 12-сон. – Б. 35.
31. Расулев А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 126.
32. Jonathan Herring. Criminal law: text, cases, and materials / Oxford, United Kingdom; New York: Oxford University Press, 2014. – 936 p.
33. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. А.И. Чучаева.М.,2010. С 536.
34. Искандаров Ш.Т., Шойимова Ш.С., Мирзаева Н.А. Психология: Дарслик. – Тошкент. 2009. – 158-бет.
35. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Ж. П. Е-М / ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти –Тошкент. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. 551-б.
36. Аветисян С.С. Соучастие в преступлениях со специальным составом: теория и практика правового регулирования: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 2005. – С. 215.
37. Отажонов А.А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент-2016. 254 бет.
38. Клименко Ю.А. Организатор впреступлении: понятие, виды, уголовно-правовое значение. Диссертация. М., 2011. – С 218.